



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 26 » mart

№ 134

Toshkent sh.

2022 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналарнинг саноат салоҳиятини янада ошириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, шунингдек, 2022 йилда ўтказиладиган ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркалари доирасида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

2022 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш режа-жадвали **1-иловага мувофиқ**;

2022 йилда республика тармоқлараро саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби **2-иловага мувофиқ**;

2022 йилда ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг намунавий таркиби **3-иловага мувофиқ**;

2022 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш чора-тадбирлари режаси **4-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

Ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ушбу ярмаркаларни ташкил этувчи ҳамда уларда иштирок этувчи томонларнинг ўз маблағлари ҳисобидан мустақил равишда амалга оширилиши инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация марказининг электрон кооперация портали (кейинги ўринларда – Портал) орқали:

хафталик, ойлик ва йиллик асосда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларнинг алоҳида турлари кесимида ўртача шаклланган нархлар бўйича маълумотларни доимий равишда жойлаштирсин;

келгусида республикадаги иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларнинг алоҳида турлари бўйича рўйхатни шакллантирсин ва доимий равишда янгилаб бурсин;

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга сотиш бўйича шартномалар тузишни йўлга қўйсин.

3. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналарнинг ҳудудий ҳамда республика тармоқлараро саноат ярмаркаларида фаол иштирок этишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 24 январдаги ПҚ–99-сон қарори асосида ишлаб чиқариш ташкил этилган ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни (хизматларни) иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар томонидан реклама қилишда чегирмалар бериш;

ҳудудий ва республика саноат ярмаркалари ҳамда Портал фаолиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 26 мартдаги 134-сон қарорига
1-илова

**2022 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ўтказиш
режа-жадвали**

Т/р	Ҳудуд номи	Саноат ярмаркасининг ихтисослашуви	Ўтказиш муддати
I. Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркалари			
1.	Самарқанд вилояти	Туризм, гастронимик туризм, озиқ-овқат саноати, мебелсозлик ва электротехника саноати ҳамда гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2022 йил 14–15 апрель
2.	Сурхондарё вилояти	Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, доривор ўсимликларни қайта ишлаш, транспорт ва логистика соҳалари	2022 йил 5–6 май
3.	Наманган вилояти	Тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва мебелсозлик саноати	2022 йил 26–27 май
4.	Фарғона вилояти	Тўқимачилик ва ипакни қайта ишлаш, чарм-пойабзал, мебелсозлик, нефть ва газ саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2022 йил 9–10 июнь
5.	Андижон вилояти	Қурилиш материаллари, тўқимачилик, автомобилсозлик, электротехника ва фармацевтика саноати	2022 йил 23–24 июнь
6.	Тошкент вилояти	Металлургия, кимё саноати, электрэнергияси, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги техникаси	2022 йил 4–5 август
7.	Қорақалпоғистон Республикаси	Табиий ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, нефть-кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электрэнергияси ва электротехника маҳсулотлари саноати	2022 йил 25–26 август
8.	Хоразм вилояти	Туризм, туризм соҳаси учун тўқимачилик маҳсулотлари, транспорт ва логистика, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги техникаси, мебелсозлик саноати	2022 йил 8–9 сентябрь
9.	Бухоро вилояти	Қурилиш материаллари, тўқимачилик, нефть ва газ саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, туризм саноати учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қорақўлчилик соҳаси	2022 йил 22–23 сентябрь

Т/р	Худуд номи	Саноат ярмаркасининг ихтисослашуви	Ўтказиш муддати
10.	Қашқадарё вилояти	Нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, кимё саноати, чарм-пойабзал саноати	2022 йил 6–7 октябрь
11.	Навоий вилояти	Тоғ-кон металлургияси, электротехника, кимё саноати ва қурилиш материаллари	2022 йил 20–21 октябрь
II. Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси			
12.	Тошкент шаҳри	Республиканинг барча тармоқлари томонидан 2023 йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш	2022 йил 14–18 ноябрь

Изох. Ишчи гуруҳга саноат ярмаркаларининг иқтисодий ихтисослашувига ва уларни ўтказиш муддатига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 26 мартдаги 134-сон қарорига
2-илова

**2022 йилда республика тармоқлараро саноат ярмаркасини
ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби**

- | | | | |
|-----|------------------|---|--|
| 1. | С.У. Умурзаков | – | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири, <i>ишчи гуруҳ раҳбари</i> |
| 2. | А.Б. Воитов | – | инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i> |
| 3. | Ф.К. Рузиев | – | Вазирлар Маҳкамасининг Маҳаллий саноатни ривожлантириш ва кооперация алоқалари масалалари котибияти мудирини ўринбосари, <i>ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари</i> |
| 4. | А.Р. Жуманазаров | – | Вазирлар Маҳкамасининг Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғини ўринбосари |
| 5. | Д.С. Касимов | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил |
| 6. | Б.К. Абдиназаров | – | иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари |
| 7. | А.Я. Хайдаров | – | молия вазири ўринбосари |
| 8. | Ж.Т. Махсудов | – | ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари |
| 9. | Д.А.Ваҳобов | – | Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси |
| 10. | Д.Н. Саттаров | – | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги бош директори |
| 11. | С.З. Мирзаев | – | Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти |
| 12. | О.М. Саидхонов | – | “Ўзэкспомарказ” АЖ бошқаруви раиси |
| 13. | Ф.Б. Хўжамкулов | – | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация маркази директори, <i>ишчи гуруҳ котиби</i> |

Изоҳ. *Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 26 мартдаги 134-сон қарорига
3-илова

**2022 йилда ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш
ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларнинг намунавий таркиби**

1. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маҳаллий саноатни ривожлантириш бўйича ёрдамчилари, *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари
4. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи
5. Лавозимига кўра – Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
6. Лавозимига кўра – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тизими ташкилотининг ҳудудий филиали бошлиғи
7. Келишув асосида – ҳудудлардаги иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари

Изоҳ. *Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 26 мартдаги 134-сон қарорига
4-илова

**2022 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш
чора-тадбирлари режаси**

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркалари			
1.	Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларида (кейинги ўринларда – саноат ярмаркалари) ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳудудий корхоналар, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирокини таъминлаш мақсадида уларни хабардор қилиш ва жалб этиш.	Ярмаркаларни ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан бир ой олдин	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
2.	Саноат ярмаркаларида иштирок этадиган иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудий корхоналар рўйхатини шакллантириш.	Ярмаркаларни ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан бир ой олдин	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3.	Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан намоён этиладиган янги турдаги маҳсулотлар, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар (хомашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, ускуна ва материаллар) рўйхатини шакллантириш ҳамда Рақамли трансформация марказининг электрон кооперация портали (кейинги ўринларда – Портал) орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиш.	Ярмаркаларни ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан бир ой олдин	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
4.	Республикада фаолият юритаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни саноат ярмаркаларида намойиш этиш мақсадида улар тўғрисидаги батафсил маълумотларни Порталга жойлаштириш.	Саноат ярмаркаларини ўтказиш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5.	Кўргазма стендларининг макетларини ҳамда саноат ярмаркаларини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш. Дастурда саноат ярмаркаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийсини, ҳудудий корхоналар, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллариининг тақдимотларини назарда тутиш.	Ярмаркаларни ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ўн кун олдин	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари
6.	“Ўзэкспомарказ” АЖ билан ҳамкорликда саноат ярмаркалари иштирокчиларининг кўргазма стендларини жойлаштириш ҳамда дизайнини ишлаб чиқиш бўйича амалий чоралар кўриш. Бунда кўргазма стендларида жойлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарилаётган, ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилаётган ҳамда ишлаб чиқарилиши тавсия этиладиган маҳсулотларга ажратилган ҳолда жойлаштирилишини таъминлаш.	Саноат ярмаркаларини ўтказиш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзэкспомарказ” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари
7.	Иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш фаолиятида талаб этиладиган маҳсулотларга (хомашё, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, ускуна ва материаллар) бўлган эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича тақдимотлар ўтказилишини ҳамда уларнинг Портал орқали ёритиб борилишини таъминлаш.	Саноат ярмаркаларини ўтказиш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари
8.	Саноат ярмаркалари ўтказиладиган ҳудудни, шу жумладан, тақдимотлар, музокаралар ҳамда ҳамкорлик шартномалари имзоланадиган жойларни тайёрлаш ва безаш.	Ярмаркаларни ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан тўрт кун олдин	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
9.	Кўргазма стендларини лойиҳалаш ва ўрнатиш ишларини якунлаш.	Ярмаркаларни ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан тўрт кун олдин	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзэкспомарказ” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Саноат ярмаркалари давомида Портал орқали маҳсулотларни сотиш ва харид қилиш бўйича ҳамкорлик шартномалари ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандумларни имзолаш ва маҳсулотни ўзлаштириш бўйича «йўл харитаси»ни тузиш.	Саноат ярмаркаларини ўтказиш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11.	Саноат кооперацияси бўйича тузилган шартномалар миқдори, ишлаб чиқариш мўлжалланган маҳсулот турлари, шунингдек, янги юқори технологик маҳсулотлар, инновацион ишланмалар ва бошқа кўрсаткичлар бўйича энг яхши натижаларга эришган саноат ярмаркалари иштирокчиларини рағбатлантириш.	Саноат ярмаркаларини якунлаш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
12.	Саноат ярмаркалари якунлари бўйича бажарилган ишлар ва эришилган натижалар, шу жумладан, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ва ишчи гуруҳга тақдим этиш.	Саноат ярмаркаларини якунлаш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари
13.	Саноат ярмаркаларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳнинг йиғилишини ташкил этиш. Йиғилишда саноат ярмаркалари натижаларини муҳокама қилиш, шунингдек, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ишларини янада такомиллаштириш ҳамда белгиланган самарадорликка эришиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.	Саноат ярмаркалари якунланганидан сўнг уч кун муддатда	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудий корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириб бориш, шунингдек, ушбу жараёнда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини фаоллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш			
14.	Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар томонидан маълумотларни Порталда жойлаштириш ҳамда доимий равишда янгиланиб боришини таъминлаш, хусусан: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, ўзлаштириладиган янги турдаги маҳсулотлар, барқарор талабга эга ҳамда ривожланиши истикболли бўлган корхоналар импорт товарлари тўғрисида; хамкорлик алоқаларини ўрнатишда масъул бўлган раҳбарлар тўғрисида.	Доимо	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари
15.	Саноат ярмаркалари натижаларига кўра ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси бўйича таклифларни хатловдан ўтказиш, саноат кооперацияси доирасида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар реестрини, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш меморандумларини шакллантириш. Тайёрланган маълумотларни ишчи гуруҳга киритиш.	Саноат ярмаркаларини ўтказиш вақтида Саноат ярмаркаларини яқунлаш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари
16.	Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар томонидан импорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнига кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш. Тайёрланган маълумотларни ишчи гуруҳга киритиш.	Саноат ярмаркаларини ўтказиш вақтида Саноат ярмаркаларини яқунлаш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари
17.	Импорт таркиби ва ички бозор эҳтиёжлари таҳлили асосида ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш учун тавсия этилаётган маҳсулотлар бўйича кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига буюртма бериш.	Саноат ярмаркаларини ўтказиш вақтида	Хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
18.	Ҳудудий корхоналарга, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қуйидаги масалаларда ёрдам кўрсатиш:	Доимий	Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари,

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
	уларга бўш бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган технологик ускуналарни ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун асбоб-ускуналарни ижарага бериш; ўзлаштирилаётган маҳсулотлар учун техник параметрлар ва сифат талабларини мувофиқлаштириб бориш.		Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси			
19.	Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси (кейинги ўринларда – республика саноат ярмаркаси) доирасидаги таклифлар асосида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан кооперация алоқаларини ривожлантиришни ўрганиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жалб қилишда маҳаллий корхоналар ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.	2022 йил март – ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари
20.	Ихтисослашган ташкилотларнинг республика саноат ярмаркасида янги алоқалар ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш доирасида янги технологиялар ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини, шунингдек, талаб этиладиган маҳсулотлар бўйича таклифларни тақдим этиш.	2022 йил март – ноябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси
21.	Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш тадбирлари доирасида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотнинг техник параметрлари ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш ечимини ишлаб чиқиш.	Республика тармоқлараро саноат ярмаркасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида	Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
22.	Саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича Портал орқали тузилган шартномаларнинг реестрини шакллантириб бориш.	2022 йил март – ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
23.	Республикада фаолият юритаётган корхоналарга республика саноат ярмаркасида иштирок этиш учун таклифномалар юбориш.	2022 йил 1 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
24.	Республика саноат ярмаркасида иштирок этиш учун ариза бериш, ярмаркада иштирок этадиганлар рўйхатини шакллантириш, стенд эскизлари билан танишиш, шунингдек, ярмарка иштирокчисининг янги ва намоийш этадиган маҳсулоти турларини жойлаштиришни Портал орқали онлайн тарзда амалга ошириш тизимини ишга тушириш.	2022 йил 1 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
25.	Стендларни лойиҳалаш ва жойлаштиришни республика саноат ярмаркаси иштирокчилари билан келишиш.	2022 йил 5 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзэкспомарказ” АЖ, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
26.	Республика саноат ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида маҳсулотларни етказиб беришнинг прогноз параметрларини аниқлаш ва Республика саноат ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳга тасдиқлаш учун тақдим этиш.	2022 йил 10 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, хўжалик бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
27.	Республика саноат ярмаркасини ўтказиш дастурини тайёрлаш.	2022 йил 10 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
28.	Республика саноат ярмаркаси иштирокчилари кўргазма стендларини ўрнатиш ва лойиҳалаш ишларини якунлаш.	2022 йил 10 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзэкспомарказ” АЖ,

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
			хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
29.	Республика саноат ярмаркасида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши тавсия этилган маҳсулотлар рўйхати ва илғор хорижий технологиялар тақдироти асосида кўргазма стендларини безатиш.	2022 йил 12 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, “Ўзэкспомарказ” АЖ, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
30.	Кўргазма стендларига безак бериш ва ярмарка иштирокчиларига стандартлаштириш, сертификатлаш, молиявий хизматлар бўйича маслаҳатлар бериш.	Республика саноат ярмаркасини ўтказиш вақтида	“Ўзэкспомарказ” АЖ, Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги, тижорат банклари, суғурта ва лизинг компаниялари
31.	Порталда ярмарка доирасида тузилган шартномалар ҳажми ва соҳалар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаш.	2022 йил 15 – 20 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Асосий тадбирлар учун жойларни тайёрлаш			
32.	Республика саноат ярмаркаси тадбирларини ўтказиш учун ярмарка ҳудудини, павильонларни тайёрлаш ва безаш.	2022 йил 10 ноябрь	“Ўзэкспомарказ” АЖ
33.	Электр таъминоти, захирадаги ёритиш ускуналари, кондиционер, алоқа ва телекоммуникация тизимлари ҳамда кўргазма мажмуаси ва конференциялар залини тайёрлаш.	2022 йил 10 ноябрь	“Ўзэкспомарказ” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
34.	Кўргазма мажмуаси ташқи ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш.	2022 йил 10 ноябрь	“Ўзэкспомарказ” АЖ
35.	“Ўзэкспомарказ” АЖ ҳудудида республика саноат ярмаркаси ўтказиладиган жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш.	2022 йил 10 – 20 ноябрь	“Ўзэкспомарказ” АЖ, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги
36.	Республика саноат ярмаркасининг очилиш ва ёпилиш маросимлари учун	2022 йил	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш мuddати	Масъуллар
	зарур асбоб-ускуналар (овоз кучайтиргич аппаратураси, кенг форматли мониторлар ва проекторлар) билан таъминлаш ҳамда тадбир давомида тақдимотлар ўтказиш.	10 – 20 ноябрь	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзэкспомарказ” АЖ
37.	“Ўзэкспомарказ” АЖ барча павильонларида тақдимотларни намойиш этиш ва жонли эфирга узатишни таъминлаш.	Республика саноат ярмаркасини ўтказиш вақтида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзэкспомарказ” АЖ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
38.	Республика саноат ярмаркаси ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш.	Республика саноат ярмаркасини ўтказиш вақтида	“Ўзэкспомарказ” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Тошкент шаҳар ИИББ
Реклама кампанияси, оммавий ахборот воситаларида республика тармоқлараро саноат ярмаркасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида ахборотларни кенг жамоатчиликка етказиш			
39.	Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари расмий веб-сайтларида, шунингдек, Порталда республика тармоқлараро саноат ярмаркаси ҳақидаги рекламаларни жойлаштириш.	2022 йил 10 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
40.	Республика саноат ярмаркаси ўтказилиши ҳақида аудио ва видео форматда реклама лавҳасини ишлаб чиқиш ҳамда уларни марказий телевидение ва радио каналлар орқали ёритиб бориш.	2022 йил октябрь – ноябрь ойларида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
41.	Республика ва ҳудудий саноат ярмаркаси доирасида режалаштирилган тадбирлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, марказий ва ҳудудий босмаҳоналар, шунингдек, радио ва телерадиоканалларда рекламаларни жойлаштириш.	2022 йил июнь – октябрь 2022 йил 10 – 20 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
42.	Республика саноат ярмаркаси тадбирлари, уларни амалга оширишнинг мақсад ва вазифалари, кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича	Ярмаркаларни ўтказиш режа-	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

Т/р	Чора-тадбир номи	Бажариш муддати	Масъуллар
	корхоналар тажрибаси ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	жадвалида кўрсатилган муддатларда	қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
43.	Республика саноат ярмаркаси тадбирини реклама қилувчи баннерларни ишлаб чиқиш.	2022 йил 1 ноябрь	“Ўзэкспомарказ” АЖ
44.	Республика саноат ярмаркаси ўтказилиши ҳақида реклама баннерларини чоп этиш ва жойлаштириш.	2022 йил 5 – 10 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги “Ўзэкспомарказ” АЖ
45.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларининг марказий кўчалардаги электрон мониторларда республика саноат ярмаркаси ҳақида тайёрланган реклама роликларини кўрсатиб бориш.	2022 йил 5 – 20 ноябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

